



**Бетакрор табиат ва самарали меҳнат туйфайли “ўсиш нуқта” миз ўсяпти**

2-с.

**Қалбга умид, юзга қувонч улашишдан ортиқроқ бахт йўқ**

6-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил  
4 июнь,  
ЧОРШАНБА**

# Маҳалла

**№46  
(2270)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

**БУГУНГИ  
СОНДА:**

**Болалар учун хавфсиз ахборот муҳити яратилади**

Бугунги кун болаларининг қўлида китоб эмас — телефон. Муаммо эса шу экраннинг ичида нима борлигида. Агар бу ерда зўравонлик, ёлғон, беҳаё сахналар бўлса, боламизнинг онги, ахлоқи, дунёқараши айнан шулар билан шаклланади. Ахир болалик, бу — илдиш. Илдиз чириса, дарахт қандай кўкаради?

3-с.

**Жамоатчилик вакиллари фаол бўлса, ҳеч бир жиноят изсиз кетмайди**

“Назаримда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш фақат профилактика инспекторининг иши, деб қараш нотўғри. Бугун ҳар бир фуқаро фаол бўлиб, ўз оиласи, хонадонни, кўчаси ва маҳалласи осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшиши керак. Агар жамоатчилик вакиллари фаол бўлса, ҳеч бир жиноят изсиз кетмайди”.

5-с.

**“Маҳалладан ҳаёт илмини ўргандим”**

“Ҳар кунни эрта тонг ишга отланар эканман, ёши саксонга яқинлашиб қолган қайнонамнинг дуосини олишга одатланганман. Онамдек азиз бўлган бу инсон оилалар ва аёллар билан ишлаш масаласида ҳам яқин маслаҳатгўйим. Ўзининг узоқ йиллик ҳаётий тажрибаларига таяниб, муаммоли вазиятларда қандай йўл тутишим кераклиги бўйича қимматли маслаҳатларини сира аямайди. Ёнимда шундай суянчим борлиги менга катта дастак бўляпти”.

7-с.

## Ҳуқуқий саводхонлик семинари ўтказилди



**Республикадаги “маҳалла еттилиги” аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида ўтказилган семинарда мутахассислар “еттилик” фаолиятида эътибор қаратиш зарур бўлган мавзулар, қонунчилик талаблари тўғрисида маъруза қилишди.

Шунингдек, Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази масъулари “Уюлмаган ёшларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш”, Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари “Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш” ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари “Аёллар ва уларнинг оила аъзолари орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш” мавзуларида тушунча беришди.

Ўқув-семинарида 9 452 та маҳалланинг 57 минг 72 нафар “маҳалла еттилиги” аъзолари иштирок этди.

••••• УЮШМА КУНДАЛИГИ

**Бугун аксарият масалалар маҳалланинг ўзида ечим топяпти. Зотан, ўтган йили аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳаллаларга келган 2,7 миллиондан ортиқ мурожаатнинг 83 фоизи йиғиннинг ўзида ҳал этилган. Бу орқали узоқ йиллик идорама-идора сарсон бўлиб, ташкилотлар эшигида сарғайган юртдошларимизнинг дарди ариди.**

**М**аҳалла даражасида аҳоли муаммолари билан ишлашда ўзига хос тизим — “**Рақамли маҳалла**” платформаси ишга туширилди. У орқали ҳар қандай масалани тезкорликда аниқлаш, ечими бўйича тегишли ташкилотларни сафарбар этиш, назоратини олиб бориш имконияти яратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида платформада **иккита муҳим тизим** фаолияти йўлга қўйилди.

**1. “Ягона саволнома” модули ишга туширилди.** Бу орқали маҳалла ходимлари уйма-уй юриб, фуқаролар билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини мазкур модулга киритган ҳолда, ҳал этиш бўйича тегишли давлат органларига йўналтиради. 2025 йилнинг ўтган даврида қарийб 939 минг нафар фуқаро билан мулоқот ўтказилди, аниқланган 47 мингга яқин муаммодан 20 мингдан зиёди “еттилик” томонидан ҳал этилди, 27 мингга яқини давлат органларига юборилди.

1 июндан аҳоли муаммоларини “хонадонбай” ўрганш ва ҳал этиш тизими тўлиқ рақамлаштирилади. “Еттилик” томонидан аҳоли хонадонидан туриб вазирлик ва идораларга мурожаат юбориш, ижросини назорат қилиш бўйича “Рақамли маҳалла” мобил иловаси ишга туширилади.



••••• ЖАРАЁН

## МАҲАЛЛАГА МУРОЖААТНИНГ 83 ФОИЗИ ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПДИ

**2. “Ижтимоий реестр” модули яратилди.** У орқали камбағал оилаларга кўмак кўрсатиш бўйича “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 570,5 мингта оиланинг 310,5 минг нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари билан маҳалла раислари ўртасида ижтимоий шартнома

имзоланди. Жорий йил 10 июнга қадар “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 260 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари билан шундай шартномалар тузилади. Бу жараёнда хизмат кўрсатувчи ҳам, ёрдам олувчи ҳам ўзига мажбурият олади.

Келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 11 фоиздан 7 фоизга қисқартириш мақсад қилинган. Камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар рўйхати ҳам шакллантирилди. Ҳар йили 50 та маҳалла танлаб олинди, улар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб борилади.

••••• ЭЪТИРОФ

## Тоғли қишлоқлар туризм мақомини олди

**Китоб туманидаги Қайнар ва Башир, Хўжабод туманидаги Имомота қишлоқларига “Туризм қишлоғи” мақоми берилди.**

**Қ**айнар қишлоғи туман марказидан 11 километр шарқда Тахтақорача довони этагида жойлашган. Худуд Роҳатбулоқ, Кўтирбулоқ, Хурмачабуюқ, Галабулоқ, Кўрбулоқ, Совуқбулоқ каби юзлаб зилол сувли шифобахш булоқларга бой. Қишлоқ турли таомлари билан машҳур. Айниқса, арча сихли кавказча кабоб, китобча угра (кесган ош), қобирға, қизилча қовурдоғи каби таомларни бошқа жойда учратмайсиз. Худудда 22 та оилавий меҳмон уйлари, меҳмонхона, хостел ва соғломлаштириш масканлари фаолият юритмоқда.



Башир қишлоғида зиёрат туризмининг янада ривожлантириш учун катта имконият мавжуд, яъни худудда жойлашган Ҳазрати Башир ота зиёратгоҳи йил давомида маҳаллий ва хорижий сайёҳлар билан гавжум. Қишлоқ аҳолиси ташриф буюрувчиларга ўз уйлари ва оилавий уй меҳмонхоналарини ташкил этиб, хизмат кўрсатиб қўшимча даромад топади. Бугунги кунда қишлоқда 30 дан ортиқ оилавий меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилган.

**Имомота қишлоғида** бир вақтнинг ўзида мингга яқин сайёҳга хизмат кўрсатадиган 70 дан ортиқ меҳмон уйлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Худуддаги икки тоғ чўққиси ўртасига осма йўл — кўприк қурилди. Янги-янги аттракционлар ўрнатилди, махсус гольф-каралар келтирилди, ўнлаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди.

Ҳар учала манзилга “Туризм қишлоғи” мақоми берилгани ҳақида сертификат топширилди.



**ҲАРОРАТЛИ  
ҲАВО  
САЛОМАТЛИК  
УЧУН ХАВФЛИ**

8-с.



Президент Шавкат Мирзиёев **ҲОЖИЛАРИМИЗ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШ УЧУН МУФТИЙ ШАЙХ НУРИДДИН ХОЛИҚНАЗАР БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ.**



Президент қарорига кўра, **2025 йил 6 июнь КҮРБОН ҲАЙТИ БАЙРАМИ** шайхони билан кенг нишонланади.



Президент фармонига асосан, **ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР** миқдори 10 фоизга оширилди.

ТАЖРИБА

МУТАХАССИС МИНБАРИ

# Бетакрор табиат ва самарали меҳнат туфайли “ўсиш нуқта” миз ўсяпти

Маҳалламизнинг табиати бетакрор. Нисбатан салқин. Пурвиқор тоғларнинг майин шабодаси эсиб туради. Худудимизнинг асосий ютуғи — меҳнаткаш одамлари. Яна юқори ҳосилли ва экспорт-боп маҳсулот — малина етиштиришдаги ўзига хос тажрибамиз билан мақтана оламиз.

Абдуборик ҲАЛИМОВ, Фарғона туманидаги “Дилқушо” маҳалласи раиси.

**К**ишлоқ одамлари узок йиллардан бери томорқа ерларидан самарали фойдаланиб, малина етиштиришни асосий даромад манбаи — “драйвер”га айлантирган. Бугунги кунга келиб, аҳолининг 90 фоиздан ортиғи шу иш билан шуғулланади. Хар бир хонадон ҳовлисида малиназорларни кўриш мумкин. Юқорида таъкидлаганимдек, жойлашувимиз ва табиий шароит малина етиштириш учун жуда мос. Салқин ҳаво, тоғ суви, унумдор тупроқ ва, албатта, миришкор деҳқонлар меҳнати билан “ўсиш нуқта” миз йил сайин ривожланыпти.

Малина — совуққа чидамли, серҳосил мевалардан бири бўлиб, тоғли худудларда, айниқса, яхши ўсади. Этиборли томони, биз шунчаки хомашё етказиб берувчи эмас, экспортчи айланганмиз. Маҳалланинг ўзида замонавий қадоклаш, саралаш ва сақлаш имкониятларига эга кичик кооперациялар йўлга қўйилган. Бу — маҳсулотни экспорт талабига мос ҳолда тайёрлаш имконини бермоқда. Шу сабабли оддий қишлоқ одамларнинг меҳнати билан пишиб етилган малиналар хорижда ҳам харидориги.

Мавжуда Худойберганова хар кунни тонгни томорқасида, малиназорлари ичида қаршилайди. Эрта баҳордан малина кўчатларига ишлов беришни бошлайди. Май ойи охирида ҳосил йиғишади. Терим жараёни 2-2,5 ой давом этади.



Август-сентябрь ойларига бориб, иккинчи ҳосил, маҳаллий аҳоли “кечки ҳосил” деб атайдиган терим жараёни бошланади. Меҳнаткашлар йил давомида қилинган меҳнати сабаб ердан яхши даромад олмақда.

**Бундан ташқари, қўшимча “драйвер” — узумчилик, чорвачилик ва сабзавотчилик.** Шу асосида ишсизлик, камбағалликни қисқартиришга ҳаракат қиляпти. Йил бошида 96 нафар ишсиз бўлган. Ҳозир 66 нафар қолди. Бу жараёнда талабдорларга имтиёзли кредит, субсидия бериш орқали бандлик таъминланмоқда. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида ўтказилган хатловда 33 та оила камбағал, дея рўйхатга олинди. Ҳозир улар билан иш олиб бораётиш. Ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш чораси кўрилмоқда. Режага кўра, йил якунигача барчаси рўйхатдан чиқарилади.

Жорий йил май ойи натижаларига кўра, жиноят содир этилмади. Оилавий ажралишлар кузатилмади. Гувоҳ бўлганингиздек, ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралишлардан холи худудга

**Инфратузилма яхшиланаши баробарида худудда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ривожланмоқда. 1 007 та хонадон бўлиб, барчаси табиий газ, ичимлик сув билан таъминланган. Электр таъминотида муаммо йўқ. Айни пайтда 2 км. ички йўл таъмирланяпти.**

айланиб бораётиш.

**Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларни қўлаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.** Жумладан, меҳнат қилиш учун хорижда кетган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари билан доимий мулоқот йўлга қўйилган. Уларнинг иш шароити,

саломатлиги ва оила аъзоларининг яшаш тарзи ўрганиб бориляпти. Кам маош олиб ишлаётганларни юртимизга қайтариш, тадбиркорликка жалб этиш, муносиб иш ўринларига жойлаштиришга эришмоқдамиз. Буни рақамларда ҳам кўриш мумкин. 2024 йилда 74 нафар мигрант рўйхатга олинган бўлса, бугунгача 53 нафари ишли бўлди. Хориждан қайтиб, ўз тадбиркорлигини бошлаган Нуриддин Рустамовга имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик. Шавкат Назиров ҳам 33 миллион сўм маблағ эвазига хизмат кўрсатиш йўналишида оилавий меҳмонхона ташкил этди.

**Тажрибамдан келиб чиқиб, ҳамкасбларимга айрим тавсияларни билдиришмоқчиман.** “Маҳалла еттилиги” ўз вазифасини виждонан адо этиб, халқ орасида юриб, нафақат хар бир хонадон, балки хар бир фуқаро билан ҳамжиҳат ишласа, муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлаверади. Ўшанда инсонларнинг дунёқараши ўзгаради, келажакка интилиш хисси пайдо бўлади, ўзи учун муносиб турмуш тарзи яратиш учун ҳаракат қилишни бошлайди.

# ЭКИН ЭКИШ МАВСУМИДА ФУРСАТ КУТИБ ТУРИЛМАЙДИ

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятдан келиб чиқиб таъминлаш долзарб масалалардан бири. Шунга кўра, фермер, деҳқон хўжаликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилди. Ер эгаларининг экин майдонларидан унумли фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулияти оширилди.



Телман ҲАЛИМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи, мустақил тадқиқотчи.



**С**ўнги йилларда юртимизга кириб келган илғор замонавий агротехнологиялардан деҳқонларимиз самарали фойдаланиб келмоқда. Айниқса, мева-сабзавот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда Асака, Шахрисабз, Уйчи, Янгийул, Тойлоқ, Кува ва Олтиарик туманлари тажрибалари эътироф этилди. Бугунги кунда соҳага эътиборни янада кучайтириш, томорқада юқори даромадли, экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, ҳисоб-китобини юритиш ва молиялаштириш бўйича янги ташаббусларни илгари суриш — давр талаби!

Шу мақсадда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси 5 млн. 314 мингга хонадон томорқасида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми ҳамда уларнинг экспорти бўйича 8 272 та маҳалла кесимида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқди.

**Маълумот учун: дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йилда — 5 млн. тонна сабзавот, 682 минг тонна полиз, 1,7 млн. тонна картошка, 73 минг тонна дуккакли, 8 минг тонна майли ва 910 минг тонна бошқа экинлар ҳамда 488 минг тонна мева ва 348 минг тонна узум етиштирилади.**

2025 йил якунига қадар аҳоли томорқаларида 39 турдаги жами 9,2 млн. тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, фитосанитария сертификати асосида экспорти ташкил этилади. Умумий экспорт ҳажми 500 млн. долларга етказиш режалаштирилган. Кўп маблағ, оғир меҳнат талаб қиладиган фойдаланилмай турган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ишларини давлат ўз зиммасига олганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шундай экан, экин экиш мавсумида фурсатни бой бермай, қафддек ерни ҳам бўш қолдирмасдан ниҳол қадаш, уруғ сеппиш, ер-сув ресурслари ва кимёвий ўғитлардан оқилона фойдаланиш зарур.

# ЭКИНЗОРНИ ЁҚҚАНГА ҚАНДАЙ ЖАВОБ АРЛИК БОР?

Нафиса АҲМАДЖОНОВА, Чирочки тумани:

— Маҳалламизда катта майдонда ғалла етиштирилади. Ҳосил йиғиб бўлингандан кейин кимдир уни ёқиб юборади. Бу ҳолат атрофда истиқомат қилувчи аҳоли учун ноқулайлик тугдирди. Айтинг-чи, қонунчилида экинзорларни ёқиб юборишга қандай жавобгарлик белгиланган?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Бу ерда етказилган зарар миқдорига қараб жавобгарлик келиб чиқади. Зарар миқдори 112 500 000 сўмгача, яъни кўп миқдоргача бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилади. Агар мазкур суммадан ошиб кетса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддасига кўра, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш — фуқароларга БҲМнинг бу боравадидан ўн беш боравадигача, мансабдор шахсларга — ўн

беш боравадидан йигирма боравадигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 198-моддасига кўра, бу ҳаракат БҲМнинг эллик боравадидан юз боравадигача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

# Кундузги парвариш аҳоли хизматида

Чуст туманидаги “Навбахор” маҳалласида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган кундузги парвариш хизматининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



— Мазкур тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, нурунийлар, маҳаллада ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳамда ота-оналар иштирок этди, — дейди маҳалла раиси Илҳом Маҳмудов. — Керакли тиббий реабилитация воситаларига эга муассасада 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болаларни соғломлаштириш ва қараб туриш хизматлари амалга оширилади.

Бу каби хизмат тез кунларда вилоятнинг барча худудларида фаолият кўрсата бошлайди. Айни кунда Наманган шаҳри, Чуст ва Учқўрғон туманларида мазкур хизмат йўлга қўйилди.

# “Оқтош”га оқова сув етиб борди



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, Турақўрғон туманидан оғир тоифадаги 6 та маҳалла танлаб олинган.

Жумладан, “Оқтош” маҳалласида бугун қатор муаммолар ҳал бўлмоқда.

— Оқова сув билан таъминлаш мақсадида 8 млрд. 850 млн. сўм, инфратузилмани яхшилаш учун 16 млрд. 569 млн. сўм маблағ ажратилган, — дейди “Оқтош” маҳалласи раиси Абдулбори Жамолов. — Ҳозирда

ишлар жадаллик билан давом этмоқда. Маҳалламизда 3,8 километр суғориш тармоғи реконструкция қилинди, 2 100 метр ариқ бетонлаштирилди. Натижада 410 га хонадоннинг 19,4 гектар томорқа ерига оқова сув етиб борди.

Шу кунларда 1 млрд. 300 млн. сўм маблағ эвазига маҳалланинг учта кўчасида электр энергияси таъминотини яхшилаш учун 6 километр тармоқ тортилиб, 2 та янги трансформатор ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. 280 та муддатини ўтаган симёғочлар ўрнини бетон таянчлар эгаллади.

Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Яқин кунларда йўлларни асфальтлашга киришилади.



Буюк Британия  
Ўзбекистон ЖАҲОН  
САВДО ТАШКИЛОТИГА  
АЪЗО БЎЛИШ доирасида  
келишувга эришилган  
24-давлат бўлди.



Ўзбекистон, Қозоғистон  
ва Туркменистон  
УСТЮРТ ПЛАТОСИ  
ТАБИАТИНИ БИРГАЛИКДА  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
бўйича келишиб олди.



20 ЙИЛЛИК  
ТАНАФУСДАН СЎНГ  
Сурхондарёдаги  
Сариосиё аэропортида  
мунтазам қатновлар  
амалга ошира бошланди.

ИМКОНИАТ

## Болалар учун хавфсиз ахборот муҳити яратилади

Бугунги кун болаларининг қўлида китоб эмас — телефон. Муаммо эса шу экраннинг ичида нима борлигида. Агар бу ерда зўравонлик, ёлғон, беҳаё саҳналар бўлса, боламизнинг онги, ахлоқи, дунёқараши айнан шулар билан шаклланади. Ахир болалик, бу — илдиз. Илдиз чириса, дарахт қандай кўкаради?

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Шу кунда болалар учун миллий, фойдали ва хавфсиз контент яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган. Ана шундай катта ташаббуслардан бири сифатида 2025 йил 15 майда “Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратиш ва уларни оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди. Қарор асосида эндиликда болалар учун миллий контент ишлаб чиқарувчи

юридик шахслар (компаниялар, медиа студиялар, “IT” компаниялар) қўлидаги имтиёزلардан фойдаланади: **✓ фойда солиғидан озод этилади** — яъни, агар компания йил давомида тушган даромадининг камида 80 фоизини айнан болалар учун яратилган контентдан олса, 2025 йил 1 июлдан 2030 йил 1 январгача бир сўм ҳам фойда солиғи тўламайди; **✓ ижтимоий солиқ фақат 1 фоиз қилиб белгиланади** — бу, айниқса, ўз жамоаси ва ижодий ходимлари бор студиялар учун жуда катта енгилик; **✓ контент яратишдаги харажатлар фойда солиғидан чегириб ташланади** —

яъни ишлаб чиқарувчининг ҳар бир маҳсулоти бу сафар фақат маънавий эмас, молиявий фойда ҳам келтиради.

Фараз қилинг, бир маҳаллий анимацион студия “Коровой ва дўстлари” деган ўзбекча мультфильм лойиҳасини тайёрламоқчи. Қаҳрамонлар болаларга табиати асраш, дўстлик, ота-онага ҳурмат, она тилига меҳр каби қадриятларни ўргатади. Бундай лойиҳа яратиш учун расм чизувчи рассомлар, овоз ёзувчи актёрлар, сценарий муаллифлари, дастурчилар ва техник мутахассислар керак. Уларнинг ҳар бирига ҳақ тўланади, ускуналар харид қилинади — бу эса катта харажат.

Илгари бундай лойиҳаларга фақат грант ёки давлат буюртмаси орқали қўл урилади. Эндиликда бу соҳага кирган тадбиркорга айтилади: “Сен болалар учун фойдали иш қилгансан — биз сенига солиқдан енгилик берамиз!”



Бу, ўз навбатида, студиялар сонини кўпайтиради, рақобатни кучайтиради, сифат ошадди. Натижада фарзандларимиз ўз тилида, ўз менталитетига мос, ўз халқининг тарихи ва қадриятларини акс эттирган контентни кўради.



Тўғриси, интернет ахборот омбори эмас, ахборот “бозорига” айланган. У ерда нима сотсангиз, кўрадингиз бўлади. Катталар, балки ажратиб олиши мумкин, аммо бола ундай қила олмайди. Шу боис қарорда яна бир муҳим йўналиш — болалар учун хавфсиз ахборот муҳи-

ти яратиш белгиланди. Бу нафақат мультфильм, балки ўйинлар, мобил иловалар, интернет саҳифалари, ҳатто ижтимоий тармоқлардаги махсус саҳифаларни ҳам қамраб олади.

Шунингдек, қарорда ота-оналар ва болалар учун ахборотни таҳлил қилиш ва хавфли контентни таниш бўйича махсус услубий ва техник воситалар яратиш зарурлиги қайд этилган.

**Бугун контент яратиш — бу оддий видеоини “монтаж” қилиш эмас.**

Бу — мураккаб технологик жараён, сценарий ёзиш, тарбиявий ёндашувни тушуниш демак. Шу сабабли қарор доирасида ҳар йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали энг нуфузли хорижий олиғоҳларда 5 нафар мутахассис тайёрлаш квотаси ажратилиши белгиланди. Демак, бу фақат бугунги лойиҳа эмас.

Ушбу қарор — эртага, 10-15 йилдан кейинги замонавий контентлар асосчилари учун ҳам тайёрланаётган пойдевор. Энди ҳар бир ишлаб чиқарувчи, ишқор ва дастурчи яхши англайдики, у фақат “лайк” ёки “кўриш сонини” учун эмас, балки халқимиз келажаги учун меҳнат қилмоқда. Бу ташаббус эса ҳар бир фарзанд, ота-она ва бутун халқимиз учун муҳимдир.

КЎЗГУ

## МЕҲНАТ ВА САНЪАТГА САДОҚАТЛИ АЁЛЛАР

Музработ туманидаги “Меҳригиёҳ” маҳалласи нафақат миллий қадриятларга, балки эзгу меҳнат ва санъатга ҳам меҳр қўйган аёллар яшайдиган маскан. Бу ерда кексайган онахонлардан тортиб, ёш келинлар ва қизларгача чопончилик билан шуғулланади.



Узоқ йиллардан буён анъанага айланган ушбу хунар ҳозирги кунда маҳалладаги кўплаб оилаларнинг асосий тирикчилик манбаи саналади. — Чопончиликни қайнонамдан ўрганганман, — дейди маҳалланинг тажрибали хунарманди Ойбахор Холмирова. — Бу иш билан шуғулланаётганимга 35 йил бўлди. Ҳозир қизим ва келинларим мендан ўрганишяпти. Ҳамма биргаликда ишлайди: бирлари бичади, бошқалари қовийди, яна кимдир безак беради. Ҳар бир мавсумда минглаб чопон тайёрлаймиз. Шу орқали оиламизга даромад келтиряпмиз.

Маҳаллада кўрокчилик санъати ҳам кенг тарқалган. Қўл меҳнати билан яратиладиган бу санъат тури қадимий, лекин ҳар бир намунасида нафосат ва севги бор. Қуроқлар ҳаётдаги шукроналик, сабрнинг ёрқин намунасидир. Бугунги кунда “Меҳригиёҳ” маҳалласи аёллари нафақат чопонлари, балки бошқалиги, меҳнати ва санъатга садоқати билан ҳам танилган. Улар нафақат миллий хунарни сақлаб қолмоқда, балки уни ривожлантириб, ёш авлодга етказиб беришди.



## ОРЗУДАН КАСБГА, КАСБДАН ҲАЁТГА: ҲАР БИР ЁШНИНГ МАҚСАД ЙЎЛИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Маҳалламизда 409 нафар йигит-қиз истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири ўз дунёқараши, қизиқиши, мақсадлари билан ажралиб туради. Шаҳар ҳудудида жойлашганимиз боис ёшлар, асосан, хизмат кўрсатиш, савдо-сотик, тадбиркорлик каби соҳаларда фаол. Бугун улар нафақат рўзгор тебратётган, балки бошқаларга ҳам иш ўрни яратаяётган ташаббускорга айланмоқда.

Жўрабек РАЖАБОВ,  
Гурлан туманидаги  
“Гулшан” маҳалласи  
ёшлар етакчиси.

Маҳалла кўмагида шу ерда яшовчи Гулноза Каримовани 10 миллион сўм субсидия асосида тикув машинаси билан таъминлади. Аввалига уни касб-хунарга ўқитдик, кейин буюртма асосида кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ тикишни бошлади. Унинг ҳар бир тиккан буюми меҳнатга бўлган иштиёқ, келажакка бўлган ишончининг маҳсулидир. Яна бир йигит — Раҳматжон Салоев 33 миллион сўм имтиёзли кредит асосида маҳалламизда нон чеҳи очди. Бугун у нафақат оиласини боқмоқда, балки бошқа ёшларни ҳам иш билан таъминлаб, хизмат кўрсатяпти. Яна бир ташаббускор ёш 100 миллион сўм кредит асосида автомобилларга хизмат кўрсатиш

шоҳобчасини йўлга қўйди. Ёшлар билан ишлаш жараёнида турли ҳолатларга дуч келамиз. Кимдир шунчаки қизиқишини излаётди, яна кимдир ҳаётини муаммолар оғирлигидан йўлини йўқотган. Айниқса, ажралиш ёқасига келиб қолган ёш оилаларни тўғри йўлга солиш — биз учун энг масъулиятли вазифалардан бири. Бундай ҳолатда оқсоқол ва оқила онахонларимиз билан маслаҳатлашамиз. Уларнинг юракдан чиққан насиҳатлари ёшлар қалбига йўл топади.

Яқинда ажралиш арафасида турган бир жуфтлик билан ишладик. Низога рўзгордаги етишмовчилик сабаб бўлган. Аёл уйига кетган. Биз нурунийлар билан уларни яраштирдик. Оилабошига новойхона очини учун кредит ажратдик. Аёлни касб-хунарга ўргатиб, боғчага ёрдамчи сифатида ишга жойлаштирдик. Шу тариқа бир оила ажралишдан асраб қолинди.

Шу ўринда фахр билан айтиш мумкинки, маҳалламизда иқтидорли ёшлар кўп. “Ёшлар овози”да иштирок этган қизимиз ширли овози билан вилоят босқичида 2-ўринни эгаллади. Киберспорт бўйича ёшларимиз туман босқичида муваффақият қозонди. Қизлар футбол жамоаси вилоятда 1-ўрин соҳиби бўлди. Маҳалламизда бу каби иқтидорларни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган: спорт майдончалари, компьютер хоналари, хунармандчилик марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Яна бир эътиборли масала — битирувчи ёшлар. Уларнинг қизиқишини ўрганиш, келажагини белгилашда тўғри йўл кўрсатиш муҳим. Кимдир касб-хунар ўрганишини истайди, кимдир олий таълим муассасасига интилади.



Баъзилар замонавий йўналишлар — мобилография, дастурлаш, “IT” соҳасига қизиқади. Биз ҳар бир ёшнинг орзуси билан ишламоқдамиз. Ҳеч бири эътибордан четда қолмайди. Маҳалладаги ёшлар билан худди укасингилар каби самимий муносабатдамиз. Бу ишонч уларга куч ва ғайрат беради.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Ёрқин ҚУРБОНОВ,  
Олмазор тумани:

— Давлат ташкилотиде ишлайман. Яқинда интизомий жазо олганим сабабли ой охирида берилган барча мукофотлар, қўшимча тўловлар ва устамалардан маҳрум қилиндим. Ташкилот раҳбари бу қарорни ички тартиб-қоидалар билан изоҳлади. Айтингчи, бир марта интизомий жазо қўллангани учун ходимни барча рағбатлантирувчи тўловлардан маҳрум қилиш мумкинми?

## ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО МУКОФОТДАН МОСУВО ҚИЛАДИМИ?



Қамолитдин БЕКНАЗАРОВ,  
меҳнат ҳуқуқи бўйича юрист:

— Интизомий жазо олган ходим барча тўловлардан маҳрум этилиши қонуний эмас. Меҳнат кодексининг 299-моддаси 4- ва 5-қисмларида аниқ кўрсатиб ўтилганидек, ходимга белгиланган иш ҳақи, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида қўзда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш чораларига кирмайди. Демак, ходим интизомий жазо олган тақдирда, унга юқоридаги тўловларни тўламасликка ҳеч қандай ҳуқуқий асос йўқ.

Ушбу модданинг 5-қисмида айтилишича, фақатгина меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида кирмайдиган, меҳнат натижасига боғлиқ бўлмаган мукофотлар (масалан, байрам, юбилей ёки касб байрамлари муносабати билан бериладиган тўловлар) интизомий жазо мuddати мобайнида тўланмаслиги мумкин.

Шундай экан, ташкилот томонидан интизомий жазо қўлланган ходимни барча мукофот ва устамалардан бутунлай маҳрум қилиш ҳолати амалдаги Меҳнат кодексига зиддир. Бу борадаги аниқ тартиб ва чекловлар ҳар бир ташкилотнинг ички ҳужжатларида (жумладан, муҳофаза ва мукофотлаш низомларида) белгиланади, лекин улар Меҳнат кодексига зид бўлмаслиги шарт.

Хулоса қилиб айтганда, фақат байрам ва тантанавий сабаблар билан бериладиган мукофотлар тўланмаслиги мумкин, лекин меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган барча тўловлар, жумладан, мукофот ва устамаларни тўлаш мажбурий ҳисобланади.



**“Юксалиш” ҳаракати сўрономаси иштирокчиларининг деярли 80 фоизи Кўчаларни ПИЁДАЛАР УЧУН МУТЛАҚО ХАВФСИЗ, ДЕБ ҲИСОБЛАМАЙДИ.**



**Эҳтиёжманд оилалардаги ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ТАВСИЯНОМА ОЛИШГА АРИЗАЛАР қабул қилиш бошланди. Жараён 8 июнга қадар давом этади.**



**Ўзбекистон Хитой билан ЙЎЛ СОҲАСИДА ЯГОНА СТАНДАРТЛАР, инновацион материаллар ва рақамлаштиришни ишлаб чиқади.**

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

ҲОЛАТ

## “Фуқаролар тадбиркор бўлишни маъқул кўряпти”

**“Маҳалла еттилиги”нинг ташкил этилиши, “Ислош шоир” ва “Каттакўрғон” маҳаллаларида яшовчи аҳоли учун катта энгиллик яратди. Чунки тоғу тошли худдада жойлашган аҳоли оддий солиқ тўлаш учун 40 километр йўл босиб, шаҳар марказига қатнардди. Бугун тамомила акси, биз, солиқ инспекторлари шунча йўл босиб, уларнинг олдида боряпмиз. Аҳолига солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумот беряпмиз.**



**Шухратжон ҲАМИДОВ, Каттакўрғон шаҳридаги “Ислош шоир” ва “Каттакўрғон” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Менга бириктирилган маъмур маҳаллалар бир пайтлар саноатчилар кўрғони бўлган. Бу ерда бир неча конлар бўлиб, улардан вольфрам хомашеси ишлаб чиқилган. Ишчи-ходимлар учун кўп қаватли уйлар қурилган. Хозир ушбу кўрғонда бешта маҳалла бўлиб, менга бириктирилган иккитасида 10 та тўрт ва икки қаватли уйлар бор. Саноат фаолияти тўхтаб қолган, йиллар ўтиб, конлар ҳам ёпилиб кетган. Натijaда кўплаб фуқаролар ишсиз қолди.

Бугун аксарият фуқаролар Россия ва Европа давлатларидаги конларда ишлаяпти. Худуд ерлари тошли бўлгани учун деҳқончилик қилиш имконияти йўқ. Қолаверса, оқова сув муаммо. Об-ҳаво яхши бўлса, чорвачилик қилиш мумкин, лекин аҳоли чорвачиликдан кўра, тадбиркорлик билан шўғулланишни маъқул кўряпти. Шу боис тадбиркорликка қизиқувчи ёки фаолиятини энди бошлаётган фуқароларга зарур маслаҳат ва кўмак беряпмиз. Масалан, тадбиркорликка қизиқувчи бир фуқаро йўл-йўриқларимиз асосида “Bekbest” оилавий савдо корхонасини ташкил этди. Натijaда 3 та иш ўрни яратди. Яна бир фуқаро “Етти камалак” хусусий корхонасини очиб, умумий овқатланиш фаолиятини йўлга қўйди. Янги

**Бугунги кунда “Ислош шоир” ва “Каттакўрғон” маҳаллаларида 645 та мол-мулк ва 420 та ер солиғи тўловчиси бор.**

иш ўрни яратилиб, мижозлар сони ортди. Худудларда савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда тамадди-хоналар сони кенгайтириш имконияти бор. Бу борада ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда, зарур чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Аста-секин тадбиркорлар сони ошиб, гипс ишлаб чиқарувчи корхоналар пайдо бўлди.

Бугунги кунда юридик корхоналар сони 20 тага, яқка тартибдаги тадбиркорлар 40 нафарга етди. 420 нафар фуқаро турли соҳалар бўйича ўзини ўзи банд қилиб, қўшимча даромад топишга ўтди. Юртимизда тоғ-кон саноатига қаратилаётган эътибор



натijaсида ушбу маҳаллалар яна саноатчилар худудига айланиш арафасида турибди. Яқинда хитойлик инвесторлар конлардан бирини очишга киришди. Зарур техникалар келтириб, ўрнатиляпти. Бу эса келажакда янги-янги конлар ишга туширилиб, юзлаб иш ўрни яратилади, дегани. Фаолиятим давомида ҳар бир тадбиркорга онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-хотимлар сони яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтириб боряпмиз. Бу, ўз навбатида, яшарин иқтисодиётнинг олдини олишга ҳам хизмат қияляпти. Қувонарлиси, “маҳаллабай” иш ташкил этилган, солиқ тизимида кўрсатиладиган давлат хизматларининг деярли барчаси электрон шаклга ўтказилди. Одамлар энди олдингидек шаҳар марказига қатнаётгани йўқ, барча юмушларини “Soliq” мобил иловаси ёрдамида ҳал этапти. Келгусида режалар кўп. Улардан бири – тадбиркорлар сони кенгайтириб, ишлаб турган ЯТЛарнинг қўшимча манбаларини кўпайтириб, товар айланмасини оширишидир.

## 11 ТА ТАКЛИФДАН 8 ТАСИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

**Солиқ кўмитаси ҳузурдаги Жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши муҳокамаида кенгаш аъзолари электрон ҳисобварақ-фактуралар тизими бўйича илгари сурган 11 та таклифдан 8 таси қўллаб-қувватланди, 1 таси қисман қабул қилинди, 2 таси эса маъқулланмади.**



Хусусан, электрон ҳужжат айланишининг замонавийлашганини ҳисобга олган ҳолда, “Кўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тўлиқ қайта кўриб чиқиш, асосли фаолият турлари учун электрон ҳисобварақ-фактураларни кейинги ойнанинг 10-санасигача расмийлаштириш имкониятини тиклаш, Электрон ҳужжат айланиши тизимида ЭҲФни йиллик муддатдан кейин ҳам тузатиш имкониятини яратиш, ўз кучини йўқотган битимлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, махсус тартибда солиқ базаси аниқланадиган операциялар учун алоҳида ҳисобварақ-фактура шакллари яратиш, рад этилган фактураларни қайта юборишдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар қўллаб-қувватланди. Интернет-маркетплейслар орқали экспорт қилинадиган, қиймати 5000 АҚШ долларидан кам бўлган товарлар учун ҚҚСнинг нол ставкасини қўллаш тизимини яратиш бўйича таклифни янада батафсил ўрганиш зарурлиги билдирилди. Солиқ кўмитаси раиси ўринбосари Ж.Абдиев ушбу йўналишда тегишли ҳужжатлар билан биргаликда, техник ечим ишлаб чиқиш режалари ҳақида маълумот берди. Бу эса электрон тижоратнинг ўсиб бораётган сегментини қонунийлаштириш ва солиқ тушумларини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, айрим бошқа даромад ва харажатлар учун бир томонлама электрон ҳисобварақ-фактураларни бошқа электрон ҳужжатлар билан алмаштириш бўйича таклифлар ҳам қўллаб-қувватланди. Жамоатчилик кенгашининг Электрон ишончномани расмийлаштириш жараёнини техник жиҳатдан соддалаштириш бўйича таклифлари юристлар билан келишилган ҳолда қайта тайёрланди. Йиғилиш якунида норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, Автокамарал таҳлил формулаларини кўриб чиқиш, Ишчи гуруҳлар тузиш бўйича кейинги харажатлар йўналишлари белгилаб олинди. Солиқ кўмитаси қабул қилинган таклифларни амалга оширишни тез орада бошлади ва уларнинг тажарули бўйича Жамоатчилик кенгашини доимий равишда хабардор қилиб боради. Солиқ кўмитаси раиси Шерзод Қудбиев бизнес вакиллари билан очик мулоқот муҳимлигини алоҳида таъкидлаб, солиқ тизими маъмуричилигини янада такомиллаштиришга тайёр эканини билдирди.

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

**Латофат ТЎРАЕВА. Тошкент шаҳри:**  
– *Фойда солиғи бўйича бўнак тўловларни кимлар тўлайди? Агар фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари маълумотнома белги-ланган муддатда тақдим этилмаса ёки бўнак суммаси асосиз камайтириб кўрсатилса, бу жавобгарликка олиб келадими?*

## ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА БЎНАК ТЎЛОВЛАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?



**Азизбек ИКРОМОВ, Солиқ кўмитаси бош инспектори:**

– Жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 10 млрд. сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини ҳисобот даври ҳар бир ойнанинг 23 кундан кечиктирмай тўлайди. Ҳар ойлик бўнак тўловларини ҳисоблаб чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Бу жараёнда солиқ тўловчи келгуси чорак биринчи ойнанинг 15-санасидан кечиктирмай, жорий чоракда қўйилган фойда суммасидан келиб чиққан ҳолда бўнак тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга. Қўйилган фойда суммаси асосиз камайтириб кўрсатилган бўлса, солиқ органлари солиқ тўловчи тақдим этган маълумотномага ўзгартириш киритишга ҳақли.

## Маҳсулот ҳақиқийлигини илова орқали текширинг

**Бугун савдо дўконларида, бозор расталарида турли хил маҳсулотлар мавжуд. Бироқ уларнинг орасида қалбақиси ҳам кўп. Уларни шу даражада ўхшаш ишлаб чиқарганки, унча-мунча одам сифатсизлигини билмайди. Айримларининг қадоғи ва ёзуви бир хил бўлса-да, ичидаги маҳсулоти ҳар хил. Шу боис кўплаб харидорлар қалбақи ва сифатсиз товарларга алданиб қоляпти.**



**Аҳмад ФАЙЗИЕВ, Солиқ кўмитаси товарларни маркировка қилиш назорати бўлими бошлиғи.**

Хўш, алданиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Хабарингиз бор, маҳсулотларни ноқонуний олиб қилиш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларининг олдини олиш, алоҳида турдаги маҳсулотларнинг қонуний айланмасини таъминлаш

мақсадида республикаимизда 2021 йилдан бошлаб товарлар босқичма-босқич рақамли маркировка қилинди. Бугунги кунда тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, пиво, маиший техника, дори воситалари ва тиббий буюмлар, сув ва салқин ичимликлар рақамли маркировка қилинган ҳолда сотиляпти. Ушбу маҳсулотларни харид қилишда маркировка қилинганга алоҳида эътибор беринг ва уни “Soliq” мобил иловаси орқали текширишни унутманг. Бу қалбақи ва сифат-

### ХАБАРДОРМИСИЗ?

сиз товарларга алданиб қолишингизнинг олдини олади. Маркировка қилиш учун “Soliq” мобил иловасининг “Umumiy xizmatlar” бўлимида “Markirovkani tekshirish” танланади. Очилган ойна пастки қисмидан “Datamatrixni skanerlash” тугмаси босилса, ва камера маҳсулотдаги маркировка кодага йўналтирилади. Агар маркировка кода ҳақиқий бўлса:

- Код ҳақиқий” ёзуви;
- маҳсулот номи;
- маҳсулот ҳолати (ишлаб чиқарилгани, сотувда ёки сотилгани);
- қайси корхона томонидан қачон ишлаб чиқарилгани;
- улгурчи савдо корхонаси қачон сотиб олгани;
- истеъмолчига қайси корхона томонидан қачон сотилгани тўғрисидаги маълумотлар экранда пайдо бўлади.


“Маҳсулот тавсифи” бўлими орқали товар ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. “Код ҳақиқий эмас” ёзуви маркировка қилинган товар билдиради. Юқоридаги маҳсулотларда маркировка мавжуд бўлмаса ёки сохта маркировка қилинган бўлса, “Soliq” мобил иловасининг “Солиқ ҳамкор” бўлими орқали мурожаат қолдириш. Рақамли маркировка қилинган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги) махсус қурилмалардан фойдаланиш лозим.



Ўзбекистонда ТАЪЛИМ СИФАТИ ПАСТ БЎЛГАН МАКТАБЛАР РЎЙХАТИ тасдиқланди. Унга 470 та мактаб киритилди.



Жарима балларини "my.gov.uz" орқали ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҲУҶЖАТСИЗ, БЕПУЛ, ОНЛАЙН ТЕКШИРИШ имкони яратилди.



Ўзбекистонда СИНТЕТИК МЕТАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ биринчи қурилмалар ишга туширилди.

МИНБАР

## КОРРУПЦИЯГА ТОҚАТСИЗЛИК ҲАР БИР ТУЗИЛМАНИНГ ҚАТЪИЙ ТАМОЙИЛИ БЎЛМОҒИ КЕРАК

**Юксак ҳуқуқий маданият демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг пойдевори ва ҳуқуқий тизим мустақамлигининг ифодасидир. Бундай давлатда коррупция омилларини бартараф этиш, жамиятда унга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш соҳасини тартибга солишга қаратилган "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.**

**Шерали МАҲМУДОВ,**  
Тошкент давлат  
юридик университети  
Коррупцияга қарши ички назорат  
бўлими ходими.

Маъмур қонунда қайд этилганидек, коррупцияга қарши курашишга нафақат алоҳида давлат органлари, балки барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотариот ташкилотлари бирдек масъул. Ҳар бир тузилма бу иллатга қарши курашда ўз ички назорат стандартларини ишлаб чиқиши ва унга қатъий риоя этиши лозим.

Кейинги йилларда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, таълим тизимида ҳам коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши самарали курашиш устувор вазифалардан бирига айланди. Қонуннинг 18-моддасида давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши белгиланган. Айниқса, барча босқичдаги таълим муассасаларида коррупцияга қарши самарали тизимлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, таълим муассасаларида ходимларни очик танлов асосида ишга қабул қилиш, ходимлар ва ўқувчи ёшлар ўртасида турли аноним сўровномалар ўтказиш, ходимлар меҳнатини рабатлантириш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Президентимиз жорий йил 5 март



куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадига таълим масканларида ҳалоллик ғояларини синдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Шу ўринда айтиш керакки, 38 миллионга яқинлашган мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортик қисмини ёшлар ташкил этади. Коррупцияга қарши курашда ана шу ёшларни таълим тизимининг энг қуйи бўғинидан, яъни мактабгача таълим ташкилотига қўйган илк қадамдан бошлаб "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш лозим.



Давлат раҳбарининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш "шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият" тамойили бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгиланган.

Бу жараёнда таълим ташкилотларида коррупцияга қарши муросасиз муҳитни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим ва тарбия технологияларидан фойдаланган ҳолда юксак ахлоқли, ҳуқуқий маданиятли кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Таълим масканлари ўқувчи ёшлар билминини баҳолашда шаффофликни таъминлаш, халқро олимпиада ва танловлар баҳолаш мезонларидан фойдаланиши лозим. Бу борадаги ишлар дунёда мамлакатимиз ёшларининг салоҳиятини намоён этиш, турли олимпиада, танловларда юқори ўринларни эгаллашига сабаб бўлади.

Демак, мамлакатда коррупцияга муросасизлик муҳитини шакллантиришда ҳар бир шахсда дахлдорлик ҳиссини оширишимиз, бу борада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни ҳуқуқий маданиятли шахс сифатида тарбиялашга қаратилган ишларга алоҳида урғу бериш, барча давлат органлари ва ташкилотларида ишларни очиклик, шаффофлик тамойиллари асосида ташкил этиш зарур.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

## Жамоатчилик вакиллари фаол бўлса, ҳеч бир жиноят изсиз кетмайди



**Туман ҳокимлиги, Халқ қабулхонаси, прокуратура, банк, йирик озиқ-овқат савдо мажмуаси, қурилиш моллари бозори, тўйхона, меҳмонхона, автосалон, автошоҳбەкат... Бу манзилларга кунига минглаб одамлар турли юмушлар билан келиб кетади. Бири арз-додини айтиб келса, бошқаси рўзғори, янги иморати учун бозорлик қилади, яна бири элга ош берса, бири яхши ният билан автомашина харид қилади.**

**Акмал ЭРГАШЕВ,**  
Кармана туманидаги  
"Талқоқ" маҳалласи  
профилактика инспектори.

"Талқоқ" маҳалласи ана шундай турли тақдирлар туташган кайнок чорраҳада жойлашган. Бу эса биздан янада хушёрликни талаб этади. Шу босис кунлик иш фаолиятини аҳоли гавжум манзилларни айланишдан бошлайман. Чунки барча олди-берди, онлайн савдо ва энгил тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўча ва жамоат жойларида содир бўляпти. Эътиборлиси, жиноят содир этганларнинг барчаси бошқа ҳудудлардан келган фуқаролардир. Улар "яшил" тоифага ўтишини тўхлатиб, маҳалла таълим марказида сабаблардан бири.

Яқинда ҳудудни назорат қилиб юрганимда бир шахс шубҳали кўринди. У кишини тўхтатиб, шахсига оидинлик киритганимда, Тошкент шаҳрида қидирувда бўлган фуқаро экани оидинлашди. Тезкор ҳаракатларимиз сабаб, унинг қочиб кетишига йўл қўйилмади. Тегишли тартибда баённома тузиб, жиноят ва тергов ходимларига топширдим.

Маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича янги тизим асосида самарали иш ташкилланган бўлиб, "маҳалла еттичилиги" аъзолари билан мустаҳкам

ҳамкорлик ўрнатилган. Агар бирор кўнгилсиз ҳолат юз берса, зудлик билан "еттилик" иштирокида манзилга етиб борамиз ва муаммони жойида ҳал этиш чораларини кўраемиз. Низоли, жанжалкаш оилаларни яраштириш учун "Кексалар маслаҳати" маркази ташкил этиб, унга уч нафар нурунийни бириктирганмиз.

Олдинроқ ушбу маҳаллада яшовчи бир фуқаронинг моли қўшинсининг ҳовлисига ўтиб, экинларини пайҳон қилгани учун ўзаро жалжаллашиб ўтиб, бозорларига, чорраҳаларга, бозорларини кириб-чиқиш жойларига, жамоат жойлари ва барча савдо дўконларига тўрт юздан ортик кузатув камералари қўйилган. Эндиликда жиноятларни "иссик" изида фож этиш учун ҳудуднинг турли нукталарига инсон юзидан ва автотранспортларни давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқловчи 32 та замонавий видеокамера қўйиб, хизмат хонамга интеграция қиламиз. Бу бўйича амалий ишлар бошланган.

Назаримда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш фақат профилактика инспекторининг иши, деб қараш нотўғри. Бугун ҳар бир фуқаро фаол бўлиб, ўз оиласи, хонадонини, кўчаси ва маҳалласи осойишталигини таъминлашга ҳисса қўйиши керак. Агар жамоатчилик вакиллари фаол бўлса, ҳеч бир жиноят изсиз кетмайди.

дек, "Маҳалла" деб номланган алоҳида телеграм гуруҳи очиб, унга фуқароларни огоҳликка чорловчи махсус видеоқўлланма ва видеороликлар жойлаб боряпман. Аҳоли гавжум жойларга махсус баннерлар ўрнатдик.

Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ёш болалар ва ўқувчилар ўлими ортмоқда. Шу босис М-37 "Бухоро – Навоий – Самарқанд" автомобиль йўли бўйида жойлашган 17- ва 5-мактаблар ҳудудига ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш учун пиёдалар йўл белгиси чизиб, светофор ўрнатдик. Ҳар кунги навбатчилик асосида ўқувчиларнинг маъмур йўлдан ўтиб-қайтишини назорат қиламиз.

Жорий йил давомида уй-жой масаласида ўзаро низолашаётган қайнона-келин муаммоси суд орқали ижобий ҳал этилди. Айрим сабаблар билан келишмовчиликлар юзага келган 10 та ёш оила яраштирилди.

Бугун кибержиноятларнинг турли қурилишлари, айниқса, пластик картадан пул ўғирлаш кўпайди. Фуқароларнинг бундай фирибгарлар тузоғига тушиб қолмасликлари учун ҳар кунги кўчама-кўча юриб, 10 та хонадонга кириб чиқяпман. Аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, кибержиноятларнинг асл сабабларини тушунтириб боряпман. Шунинг-



Ёш оилалардаги муаммоларни ўрганганимизда уларнинг 80 фоизига телефондаги турли ёзишма ва суҳбатлар сабаб бўлган.

ҲОЛАТ

## Ҳам ўзи, ҳам тенгдошлари ишли бўляпти

Ёшлар бандлигини таъминлаш – бугуннинг энг долзарб вазифаларидан бири. Бу орқали улар нафақат ўз иши ва шахсий иқтисодида, балки атрофидаги бошқа тенгдошларининг ҳам ишли ва даромадли бўлишига кўмаклашади.

**Латофат ЮСУПОВА,**  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Янгирақ туманидаги "Хўжалар" маҳалласида яшовчи Жалолиддин Исмоиловнинг мебелчилик фаолиятини бунга мисол қилиш мумкин. Бу мебелчилик цехи 100 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига йўлга қўйилган. Устахонада замонавий спорт тури бўлган билард столлари ишлаб чиқарилади. Ёш тадбиркор унга яқин маҳалла ёшларининг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшган. Махсулот-

ларга ички бозорда талаб юқори бўлгани учун фаолияти анча кенгайган.

**Боғот туманидаги "Дехқонобод" маҳалласидан Ғуломжон Раҳимбергенов** авваллари мавсумий иш билан шуғулланиб келган ва ишсизлар рўйхатида бўлган. 2024 йилда ёшларга ажратилган деҳқон ҳўжалик ерларидан 20 сотих ер олиб, узумчилик фаолиятини бошлаган эди. Шунингдек, асарчилик билан ҳам шуғулланыпти. Меҳнатга яраша натижа қўрилганидан сўнг, оиласига 70-80 миллион сўм қўшимча даромад келтиряпти. Ёш миришкор келгусида бу даромаддан янада ошириш ниятида.



Ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашда уларни касб-хўнарга йўналтириш асосий вазифалардан бири. **Урганч туманидаги "Юқориовул" маҳалласида истикомат қилувчи Ғуллола Эгамбергенова** ишсиз ёшлар рўйхатида эди. Уни тикувчилик бўйича касб-хўнарга ўқитиш орқали бандлиги таъминланди.

Ёшлар – мамлакатнинг асосий кучи. Улар иқтисодини ва салоҳиятини турли тармоқларда кўрсатиб келяпти. Ўз имкониятини рўёбга чиқара олмаётган айрим ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали эса уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари ва фаол бўлишларига кўмак берилляпти. Демак, бу каби натижалар яна давом эттирилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

**Мурод ЮНУСОВ.**  
Тошкент вилояти:  
— 10 кун шиғоҳонада даволандим, касаллик варақаси очилган. Шу кунларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланадими? Нафақа дам олиш кунлари учун ҳам ҳисобланадими?

**ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИГА "КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ" ПУЛИ ТўЛАНАДИМИ?**

**Муҳаммадмин КАРИМЖОНОВ,**  
ҳуқуқшунос, адвокат:  
— Меҳнат кодексининг 281-моддасига кўра, иш беворучи қонунчиликда белгиланган тартибда ўртacha иш ҳақи еки унинг бир қисми микдоридa вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа тўлаш каби қўшимча тўловларни амалга ошириши шарт. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги қарори билан тасдиқланган "Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш

бўйича нафақаларни ҳамда янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга нафақани тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳамда янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга нафақани тайинлаш ҳамда тўлаш тартибини белгилайди.

Низомнинг 38-бандига кўра, нафақанинг умумий суммаси кунлик ўртacha иш ҳақини ушбу ойда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш бўйича ҳамда янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга нафақани тайинлаш ҳамда тўлаш тартибини белгилайди.

Демак, "вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик" пули иш кунларига тўланади. Агар 5 кунлик иш ҳафтасида ишласангиз, шанба, яқшанба ва ишланмайдиган байрам кунларига пул тўланмайди.



Ўзбекистонда сўнги саккиз йилда ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҳажми 38 фоизга ошди.



Миграция агентлиги ва ЈСАЕМСЕ ташкилоти келишувига кўра, Япония беш йил ичида 10 минг нафар ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУТАХАССИСНИ ИШГА ОЛАДИ.



Ўзбекистонда 1 ноябрдан бошлаб ЎРМОН ФОНДИ ЕР МАЙДОНЛАРИ алоҳида муҳофаза этилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## МОДДИЙ ЁРДАМ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

2025-2026 йилги пенсия мавсуми учун 2025 йилнинг ноябрь ойида эҳтиёжманд оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам тўлаб берилди.



### Моддий ёрдам куйидаги оилаларга берилди:

- ☑ "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилаларга;
  - ☑ Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга;
  - ☑ қўшимча равишда "Маҳалла еттилиги" хулосаси асосида юқоридаги Реестрларга киритилмаган, бироқ камбағалликка тушиши хавфи бўлган оилаларга.
- "Маҳалла еттилиги" томонидан қўшимча рўйхат шакллантирилишида биринчи навбатда:**
- боқувчисини йўқотган оилалар;
  - аъзолари I ёки II гуруҳ ногирони бўлган шахслардан иборат бўлган оилалар;
  - ногиронлиги бўлган болаларни парваришлайётган оилалар;
  - узоқ муддатли даволашни талаб этадиган касалликлар билан оғриган шахслар яшовчи оилалар;
  - ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи шахслар;
  - уч ва ундан ортиқ оила яшайдиган хонадонларда ҳамда газ таъминоти бўлмаган ва марказлаштирилган тартибда истиқомат қилувчи қўриқчилар уйларида яшовчи оилалар инobatга олинди.
- Бу аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инсон қадрини таъминлаш ва ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шaroитларини яратишга қаратилган ижтимоий масъулиятдир.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

# Қалбга умид, юзга қувонч улашишдан ортиқроқ бахт йўқ



“Хозирги кунда маҳалламизда 18 ёшгача чуқур ақлий заиф ташхиси қўйилган болалар учун кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилган. Эндиликда 18 ёшдан катта бўлганлар учун ҳам ушбу хизматни ташкил этишни мақсад қилиб кўйганмиз.

Муҳаббатхон ТҲҲИЕВА, Олтинкўл туманидаги "Оқтепа" маҳалласи ижтимоий ходими.

Х аётда ўзгалар дардига малҳам бўлиш, бошқаларнинг мушкулларини осон қилишдек хайрли иш бўлмас керак. Бу кўчага кирган киши учун қалбларга умид бағишлаш, юзларга қувонч улашишдан ортиқ бахт бўлмайди. Гарчи бир неча йил Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимида фаолият юритган бўлсам-да, авваллари ҳеч кимни бугунгидек хурсанд ҳолда кўрмаганман. Ногиронлиги бўлган фуқаролар реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун ойлаб навбат кутишар эди. Хозир бу масала вазучер тизими орқали икки-уч кун ичида ҳал этиляпти. Протез-ортопедия мосламалари учун мутахассисларнинг ўзи фуқаронинг хонадонига келиб ўлчам олиб кетишляпти. Маҳсулот тайёр бўлиши учун қирқ кун кўйфоя. Бу ҳолат кўпчиликнинг турмуш шaroитини энгиллаштиришга, ҳаракатлишини осонлаштиришга хизмат қилляпти. Бундан уч-тўрт йил

аввал имконияти чекланган фарзанд парваришлайётган оналар имконсизлиги боис нури дийдаларини Муруват уйларига топширишга мажбур эди. Яқинда ишга туширилган кундузги парвариш гуруҳлари бу муаммага муносиб ечим бўлди. Энди болалар ўз ақинлари бағрида ўлғаймоқда. Қолаверса, аёллар рўзгорига барака киритиш мақсадида меҳнат қилиш имконига эга бўлди. Энг муҳими, аҳоли вакиллари кўрсатилётган ҳар бир кўмақдан ғоят миннатдор.

Давлат яратиб бераётган шарт-шaroит ва имкониятлар сабаб бугун ижтимоий ходимнинг халқ орасидаги мавқеи анча баланд. Биз ҳам бу ишонччи оқлаш мақсадида туну кун меҳнат қилляпти. Айниқса, кам таъминланган оилалар билан ишлаш тизими борасида анча тер тўкишга тўғри келди. Бир йил аввал худудимизда бола нафақаси оладиган хонадонлар 100 дан ортиқ эди. "Еттилик" вакилларининг саъй-ҳаракатлари билан бугун улар 40 тани ташкил этмоқда. Олдин ҳужжатлари бола нафақаси олишга мос келиши учун ҳеч қандай ишламаган, боқимандалик кайфиятида кун кечираётган фуқаролар вақт ўтиб, хатосини англаб

етди. Давлатнинг кўмаги оиланинг оёққа туриб олиши учун берилётган ёрдам эканини тушунишди. Мазкур масалада муружат қилиб келувчилар сони кескин камайди.

2025 йилнинг I чорағида "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари психологлари томонидан Республикада бўйлаб жами 17 190 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога психологик хизматлар кўрсатилди. Улардан 2 580 нафари вояга етмаганлар, 14 610 нафари эса катта ёшдагилар бўлиб, турли муаммолари юзасидан психологик маслаҳатлар олишди.



ЖАРАЁН

ЯНГИЛИК

## Ички салоҳият ва мустақил ҳаракат инсон тақдирини ўзгартиради

Ижтимоий ҳимоянинг энг устувор йўналишларидан бири — ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятга фаол қўшиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклаштириш. Шу мақсадда мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилмоқда.



Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

О лот туманининг "Човдир" маҳалласида бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳақиқатдан инсон қадри учун хизмат қилаётганини кўриш мумкин. Мазкур маҳаллада ҳозирда 3 152 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 54 нафари ногиронлиги бўлган шахслар бўлса, 29 та оила "Камбағал оилалар реестри"га киритилган. Шу тоифадаги аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоийлаштириш мақсадида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

"Човдир" маҳалласидаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ногиронлиги бўлган шахснинг қўллаб-қувватлаш фақат ёрдам бериш эмас, балки унинг ички салоҳиятини очиб, мустақил яшашга ундашидир.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида фаол бўлиши, аввало, уларнинг эркин ҳаракатланиш имкониятлари билан боғлиқ. Шу боис маҳалладаги 18 нафар ногиронлиги бўлган шахсга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари, яъни ҳаракатлишини энгиллаштирувчи ёрдамчи маҳсулотлар тақдим этилди. Улар орасида Химмат Бобоқулов ҳам бор. У болалиқдан ногиронлиги бўлган шахс сифатида доимий парваришга муҳтож. Фуқаронинг ҳолатидан яхши хабардор бўлган маҳалла ижтимоий ходими Юлдуз Эрнӣёзова унга доимий ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айниқса,

Химматнинг кўчага мустақил чиқиши, одамлар билан мулоқот қилиши учун "Инсон" маркази томонидан электрон юритмали аравача тақдим этилгани ҳаётида янги саҳифа очди. Химматнинг онаси эса унга расмий қаровчи сифатида белгиланди. Бу орқали оиланинг барқарор даромад манбаи яратилди. Шунингдек, укаси бепул фан тўғрисида жалб этилди, бу эса оила фарзандларининг ижтимоий мослашувини таъминлашда муҳим қадам бўлди. "Маҳалла еттилиги"нинг имтиёзли кредит асосида иссиқхона қурилишига ёрдам бергани эса оиланинг иқтисодий фаровонлигига эришишига замин яратмоқда. Ижтимоий ходим ва Химмат биргаликда аҳолига компьютер хизматлари кўрсатиш бўйича "мини

лойтиха"ни йўлга қўйишди. Эндиликда Химмат қишлоқдошларига ҳужжатларни нусхалаш, коммунал тўловларни тўлаш каби техник хизматлар кўрсатмоқда. Бу эса унинг даромад топишига, ўзгаларга фойдаси тегаётганини ҳис қилишига туртки бўлди. Ижтимоий ходим Юлдуз Эрнӣёзова ушбу фаолиятни кенг тарғиб этиш мақсадида баннерлар тайёрлади, ижтимоий тармоқларда реклама берди, бу эса миқозлар сонининг орттишига ва Химматнинг мустақил даромад топишига хизмат қилди. Маҳалла, ижтимоий ходим, давлат ташкилотлари ва оила ўртасидаги ҳамкорлик бугун бир инсон тақдирини ўзгартирди. Бу каби ёндашувлар эса мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими чинакам ҳаётга таъбиқ этилаётганини кўрсатади.




2025 йил 1 июндан бошлаб Тошкент ва Навоийда, 1 сентябрдан бутун республика бўйлаб ногиронлики аниқлашда врачлик-маслаҳат комиссиялари (ВМК) тизимидан тўлиқ воз кечилиб, янги тартиб жорий қилинди.

### НОГИРОНЛИК ЯНГИ ШАКЛДА БЕЛГИЛНАДИ

Эндиликда ногиронлик оилавий шифокор тайёрлаган ҳужжатлар асосида тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан белгиланади. Шу билан бирга, касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишда "маҳаллабай" ёндашув йўлга қўйилади. Бу жараёнда:

- маҳаллаларга ихтисослашган мутахассислар бириктирилади;
- аҳоли жойларда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади;
- оилавий шифокорларга амалий кўникмалар берилди.

Ушбу тизим самарадорлиги бўйича йил якунида шифокорлар натижалари баҳоланади ва фаол мутахассислар икки баравар маош миқдорига мукофотланади.



Ўзбекистон ва Малайзия СУНҒИЙ ИНТЕЛЛЕКТ БЎЙИЧА қўшма дастурлар ташкил этади.



БААнинг "Bell Energy" компанияси иштирокида Қорақалпоғистонда БАМБУК ЭКИНЗОРЛАРИ барпо қилинади.



2025-2026 йилларда тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги 500 гектар ерда "ТЕРРАСА" УСУЛИДА ДАРАХТ ВА БУТА КЎЧАТЛАРИ экилади.


МАНЗАРА

# "МАҲАЛЛАДАН ҲАЁТ ИЛМИНИ ЎРГАНДИМ"

Ҳар куни эрта тонг ишга отланар эканман, ёши саксонга яқинлашиб қолган қайнонамнинг дуосини олишга одатланганман. Онамдек азиз бўлган бу инсон оилалар ва аёллар билан ишлаш масаласида ҳам яқин маслаҳатгўйим. Ўзининг узоқ йиллик ҳаётий тажрибаларига таяниб, муаммоли вазиятларда қандай йўл тутишим кераклиги бўйича қимматли маслаҳатларини сира аямайди. Ёнимда шундай суянчим борлиги менга катта дастак бўляпти.



Соҳиба НОРБЎТАЕВА, Чиноз туманидаги "Маданият" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Оилалар мустаҳкамчилигини таъминлаш, ажрашишларнинг олдини олиш учун маҳаллаларда "Ёшларни турмушга тайёрлаш" ўқув курсларини ташкил этиш яхши натижа беради. Туманга қатнаб ўқишдан кўра, ёнгинасида жойлашган масканда ҳаёт илмини ўрганишга нима етсин. Бу билан қамровни янада кенгайтиришга эришган бўлар эдик.

Узоқ йиллар давомида мактабда ўқитувчилик қилиб, ҳеч нарсани билмаган эканман. 2022 йилда маҳалла тизимида иш бошлаганимдан сўнг, кўзларим қайта очилгандек бўлди. Хонадонларга кириб, ҳар хил шароитда турмуш кечириётган одамлар билан суҳбатлашдим, уларни қийнаётган дардлари билан ўртоқлашдим. Секин-аста муаммоларга ечим топишни ўзлаштирдим. Шу орқали қайсибир маънода тақрор ҳаёт илмини ўргандим.

Айни вақтда ҳудудимизда 1 485 нафар хотин-қиз истикомат қилади. Уларнинг кўпчилиги давлат ташкилотларида ўқитувчи, шифокор, ҳамшира бўлиб фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, кунлик меҳнат қилиб норасмий банд бўлган опа-сингилларимиз анчагина. Уларнинг расман ишли бўлиши учун қўлдан келганча ҳаракат қилияпмиз. Натижада бир неча аёлнинг ўзини ўзи банд қилишига эришдик.

Марғуба Исмоилова бир неча йилдан буён турли кўринишдаги юмшоқ ўйинчоқлар тикиш билан шуғулланиб келяпти. 10 нафар доимий ишчисидан ташқари, яна 10 нафар уйда буюртмаларни тайёрлаб берадиган ходимлари бор. Тадбиркор бинонинг бошқа бир қисмида хусусий болалар боғчасини ташкил этган. Бу масканда айни вақтда 70-80 нафардан кўпроқ тарбияланувчи вақтини мазмунли ўтказаяпти. У ерда 9 нафар хотин-қиз меҳнат қилиб, даромад топмоқда. Давлат-хусусий шерикчилик асосида йўлга қўйилган бу фаолият турлари аҳоли фаровонлиги учун катта аҳамият касб этаётди.

Жорий йилда "Аёллар даф-

тари"га 94 нафар хотин-қиз киритилган бўлса, шундан 75 нафари ишсизлар эди. Шу кунга қадар уларнинг 40 нафарини турли йўналишларда иш билан таъминладик.

Фаолиятимиз давомида кўпроқ келиша олмаётган ва низоли хонадонларга киришимизга тўғри келади. Хусусан, айни вақтга қадар 30 нафардан ортик ёш келин-куёвни муросага келтиришга эришдик. Шу каби оила вакиллари билан суҳбатлашганда чуқур ўйга толаман: наҳотки, ҳозирги ёшлар шунчалар гап кўтара олмайдиган бўлиб қолган? Турмушни жиддий олмай, ўйин, деб билаётганлар эртага бундан афсус чекиб қолмасмикан?

Қанийди, бу каби савол-

ларга жавоб топиш осон бўлса. Маҳалла, жамият қанчалик бонг урмасин, қайғурмасин, агар ота-она фарзандини катта турмушга тайёрламаса, барчаси бекор. Уларни қанчалик масъулиятли қилиб тарбияласак, келажакда бахтли ҳаёт кечиришига мустаҳкам пойдевор ўрнатган бўламиз.

Бу йил маҳалламизда қилдиган ишларимиз талайгина. Биринчи навбатда, аёллар учун сартарошхона очишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, опа-сингилларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун махсус шароит ҳозирлашни унчит қилганмиз. Бунинг учун ушбу йил давомида буш турадиган мактаб биносидан фойдаланмоқчимиз.



МУЛОҲАЗА

## ТАДБИРКОРЛИКДА АЁЛЛАР ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАНМИ?

Бугунги кунда мамлакатимиз хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаоллиги ошиб бормоқда. Бу борада давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар тўғрисида улар қатор ютуқларга ҳам эришиб улгурган.



Мадина ТУРСУНОВА, Патент вакиллари ассоциацияси раиси.

Бироқ бу борада қийинчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, мустақил бизнес, айниқса, аёллар раҳбарлик қилаётган стартаплар ва корхоналар катта қийинчиликларга дуч келади. Улар анъанавий компанияларга нисбатан молиявий ресурсларга эга бўлиш, инвесторларни жалб қилиш ва ривожланиш имкониятлари жиҳатидан кўпроқ чекланган. Бунда асосий муаммолардан бири – молиявий манбаларнинг етишмаслиги.

Шунингдек, кўпчилик аёллар ўз ғояларини қандай ноқимматли актив сифатида баҳолаш, уни тижорат йўлида самарали қўллаш ва ҳимоя қилиш имкониятлари ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш жараёнида Ўзбекистон каби ривожланаётган бозорларда анча мураккаб ва харажатли.

Аёл тадбиркор ўз ғоясини рўйхатдан ўтказса ҳам, бу уни ҳуқуқбузарликлардан тўлиқ ҳимоялай олмайди, чунки амалга ошириш кўп вақт ва маблағ талаб қилади.

Баъзан кўп яхши ғоялар амалда рўёбга чиқмай қолиши мумкин. Мутахассис сифатида мен стартап компанияларга маслаҳат бериш жараёнида ҳам бундай ҳолатларга дуч келганман. Шу боис, давлат сиёсати фақат молиявий ресурслар тақдим этиш билан чекланиб қолмасдан, аёлларни инновация ва бизнес фаолиятини самарали бошқаришга ўргатишни ҳам қамраб олиши зарур.

Турли минтақалар тажрибасини ўрганиб, ҳуқуқмат бошқаруви ва сиёсат юритиш орқали қандай қилиб кўпроқ сармояларни жалб қилиш мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш ва аёллар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш йўлларини топиш фалдаги муҳим вазифалардандир.

НАТИЖА

## АЁЛЛАРНИНГ БИЗНЕСДАГИ УЛУШИ ҚАНДАЙ?

Бугун Ўзбекистонда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 45 фоизи, яъни 217 мингдан ортиғига аёллар раҳбарлик қилмоқда.



Юридик шахс сифатида фаолият юритаётган бизнес субъектларининг 96 мингга яқинини аёллар бошқаряпти. Тижорат банкларида аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўндан ортик лойиҳалар жорий этилди. 2018 йилдан буён оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари амалга оширилмоқда.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш мақсадида биргина 2024 йилда 17 триллион сўм кредит ажратилди. Бунинг натижасида тадбиркор аёллар 81 триллион сўмлик маҳсулот яратиб, 450 миллион долларлик экспортни амалга оширди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати.

ТАҚДИРЛАР

## Имконият бор жойда чеклов панд бермас экан...

Пешку туманидаги "Навбахон" маҳалласида истиқомат қилувчи Солиҳа опа Бозорованингни ҳаёти сабр, ирода ва фидокорлик тимсолидир.

Маҳаллада 3 213 нафар аҳоли истиқомат қилса, улардан 81 нафари ногиронлиги бўлган шахслардир. Уларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши, ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш борасида маҳалла ижтимоий ходими Оишта Бозорова фидокорона хизмат қилиб келмоқда. Беш ёшида юз берган бахтсиз ҳодиса оқибатида Солиҳа опа ҳаётнинг мураккаб синовларига дуч келди. Етти маротаба огир жароҳлик амалиётини ўтказди, бироқ кутилган натижага эришилмади. Орадан йиллар



ўтиб, у оёғини ампутация қилдиришга тўғри келди. Шунга қарамай, у таслим бўлмади – ҳаёт билан курашди. 23 йилдан буён протез воситаси ёрдамида фаол ҳаёт тарзини олиб бормоқда. "Инсон" маркази томонидан янги тақдим этилган протез қаҳрамонимизнинг ҳаракатланишида янада энгиллик яратди. Солиҳа опанингни иродаси

ва меҳнатсеварлиги бугун бутун маҳаллага намуна бўлмоқда. У бир неча йиллардан буён тикувчилик билан шуғулланиб, бугунга қадар 60 нафардан ортик ёш тикувчи қизларни ўқитди, уларга хунар ўргатди. Опа ўзи чизади, ўзи бичади, ўзи тикади. Яратган кийим-кечак маҳсулотлари бозор талабига жавоб беради, харидорлириги билан ажралиб туради.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## ...БАРИБИР БОЛАЛАРГА МЕҲРЛИ ОДАМЛАРМИЗ

Инсон қалбидидаги неъматлардан бири — меҳр. Айниқса, бу туйғу яқинларимизга, меҳрга зор болаларга бағишланса, қадри янада юксалади.

Янгийўл туманидаги "Ковунчи" маҳалласида яшовчи Шерзод Қозоқбоев ва унинг турмуш ўртоғи уч нафар ўз фарзанди ёнига яна олти нафар меҳрга муҳтож болани қабул қилди. Президентимизнинг 2022 йил 4 августдаги оилавий болалар уйлари тизимини ривожлантиришга қаратилган қарори бизга катта тўртки бўлди. Бу қарор бизга ишонч берди. Ҳар бир бола бахтли бўлишга лойик. Биз эса уларнинг ҳаётида шу бахтни яратишга ҳаракат қиламиз, — дейди Ш.Қозоқбоев. Фарзандлардан бири Самандар ҳозирда 11-синфини тамомлаб, олий ўқув юртига киришга қизғин тайёрлик кўрмоқда. У жуда изланувчан ва интилувчан йигит. Нозима эса адабиётга қизиқди, шеърлар ўқий-

ди, ҳикоялар ёзишга ҳаракат қилмоқда. Умиджон техникага қизиқади. Ҳар доим бирор нарсани яшас, тузатиш билан овора. Умун олганда, ҳар бир болада ўзига хос истеъдод бор. Оила спортга, айниқса, футболга алоҳида эътибор қаратади. Болаларнинг деярли барчаси футболга қизиқади. Шу боис оилавий футбол жамоаси ҳам шаклланди. Ҳар гал дам олиш кунлари футбол мусобақа-

си ташкил этилади. Бу фақат спорт эмас, бирдамлик, соғлом турмуш тарзи тарғиботи ҳам. Қозоқбоевлар оиласи ўз бағрига олган болаларга фақатгина уй эмас, балки ишончли келажакни, илқ муҳитни ва меҳрга тўла ҳаётни тақдим этмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати бугун нафақат болалар, балки жамият учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилапти.



Қозоғистонда от спорти бўйича ўтказилган халқаро турнирда чавондозларимиз ИККИТА ОЛТИН, БИТТА КУМУШ МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.



Бокс бўйича "THAILAND OPEN" ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА Ўзбекистон терма жамоаси 5 та олтин, 4 кумуш ва 7 та бронза медалига сазовор бўлди.



№	ЎЛМА	О	К	Б
1	ERON	8	16-7	20
2	ЎЗБЕКИСТОН	8	11-7	17
3	BAA	8	14-7	13
4	QATAR	8	18-21	10
5	QIRG'IZ RESPUBLIKASI	8	9-15	6
6	KXDR	8	7-16	2

5 июнь куни Ўзбекистон БАА устидан ғалаба қозонса, МУДДАТИДАН АВВАЛ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАМани қўлга киритади.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ҚАРОРАТЛИ ҚАВО

САЛОМАТЛИК УЧУН ХАВФЛИ

Ёз ойлари жазирамадан сақланиш саломатлик учун жуда муҳим. Озроқ эътиборсизлик — сурункали касалликларнинг зўрайишига ёки иссиқдан тананинг умумий ҳолсизланиши, ҳаёт учун хавфли ҳисобланган офтоб уришига сабаб бўлади.

Феруза ТОҲИРОВА, тиббиёт фанлари номзоди, Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти бошқарма бошлиғи.

Юкори ҳарорат, айниқса, юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатади, юрак уришини тезлаштиради, қон босимини оширади. Кучли терлашга олиб келади, бу эса сувсизланиш хавфини оширади. Куннинг энг иссиқ вақти — соат 10:00 дан 16:00 гача ёпиқ бинолар ёки салқин жойларда бўлиш — тананинг кизиб кетиши ва қуёш уришидан сақлайди.

Агар кўчага чиқиш зарурати туғилса, соя жойларда юриш, соябондан фойдаланиш ва фаолликни куннинг салқинроқ пайтлари — эрталаб ёки кечқурунга режалаштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, уйни салқин сақлаш муҳим. Масалан, кундузи қуёш тушадиган томондаги деразаларни ёпиб, кечаси ҳаво салқинлашганда деразаларни очиб, хоналарни шамоллатиш, куннинг энг иссиқ вақтларида печ,

кир ювиш машинаси, қуригич каби ўзидан иссиқлик чиқарувчи маиший техникалардан фойдаланишни чеклаш керак. Жазирамадан сақланишда енгил, кенг бичимли, хавони яхши ўтказадиган табиий мато (пахта, ипак)дан тикилган либос кийиш тавсия этилади. Кўчага чиққанда кенг соябонли бош кийим кийиш ва қуёшдан ҳимояловчи кўзойнак тақиш шарт. Бошни қуёш нуридан асраш жуда муҳим,



САЛОМАТЛИК

чунки бош миянинг кизиб кетиши тезда иссиқ уришига олиб келади.

Кун давомида тез-тез салқин душ ёки ванна қабул қилиш тана ҳароратини пасайтиришга ёрдам беради. Мунтазам ювиниш терининг самарали нафас олишини таъминлайди. Аммо жуда совуқ сувдан фойдаланмаслик керак. Чунки ҳароратнинг кескин ўзгариши натижасида ўпка яллиғланиши мумкин.

Терига, айниқса, бош ва бўйин соҳаларига ҳўл сочиқ ёки латта қўйиш ҳам танани совитиш усулидир. Шунингдек, иссиқда оғир жисмоний меҳнат ёки спорт билан шуғулланиш сувсизланиш ва офтоб уриш хавфини сезиларли даражада оширади. Бундай шароитда юрак-қон томир тизимига тушадиган юк ортади.

Ёз иссиғида кўз нурунинг хиралашшидан сақлаш учун қуёш нуридан ҳимояловчи кўзойнак тақиш шарт. Ультратинафша нуруларидан ҳимояловчи кўзойнақлар кўзларни қуёшнинг зарарли нуридан асрайди. Ёз фаслида кўпроқ сув ичиш кўзларни қуриб қолишининг олдини олади.



БИЛИБ ОЛИНГ!

Ёзда танага енгил ва соғлом овқат керак. Иссиқ мавсумда бутунлай воз кечиш маъқул бўлган бир қанча таомлар мажбур. Уларнинг истеъмолидан сақланиш саломатликка фойдадир.

ЁЗДА ҚАНДАЙ ТАОМЛАРДАН ТИЙИЛИШ КЕРАК?

Ковурилган овқатлардан тийилиш керак. Айниқса, кўчада сотиладиган пироглар, гамбургерлар ва шаурмалар ёғ микдори юқори бўлгани учун хавфлидир. Ушбу маҳсулотларнинг ҳазми бўлиши қийин.

Бундан ташқари, иссиқ ҳавода овқатдан заҳарланиш хавфи ортади. Шу боис майонез, кабоб ва колбасанинг ҳам истеъмоли тақиқланади.

Газли ва ширин ичимликларни чеклаш зарур. Улар вазн ортишига хисса қўшади ва танани сувсизлантирадиган кўп микдорда шакарни ўз ичига олади.

Спиртли ичимликлар қон томирларини торайтиради ва табиий иссиқлик узатишни бузади. Қаҳва — капучино, латте, шунингдек, энергетик ичимликлар билан чанқоғингизни қондирманг!

Турли хилдаги пиширилган истеъмоли вазн ортишига олиб келади, тана сувсизланади.

Совуқ таомлар ошқозон яраси ва гастритни ривожлантиради. Шу сабабли тана ҳарорати билан бир хил бўлган овқат истеъмоли килинг! Музлатгичдан музқаймоқ, совуқ окрошка ва сут маҳсулотларини олиб ичиш тавсия этилмайди.

СПОРТ

ТУРОН НАФАҚАТ ЖИСМОНИЙ, БАЛКИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ЖАНГИДИР

Ҳар бир халқнинг маданияти ўзига хос бўлиб, тили, урф-одатлари, турмуш тарзи, ўйинларида намоян бўлади. Маънавий қадриятлар, меъёрлар, ютуқларнинг давомийлигини сақлаш жуда муҳим. Чунки бу мерос халқнинг миллат сифатида яшашининг зарур шартидир.



Умид ЖўРАЕВ, этно спорт турларини ривожлантириш ва спорт нормативларини ўтказиш бўлими бошлиғи.

Маълумки, узоқ тарихга эга бўлган жисмоний маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, замонавий спортга йўл миллий ўйинлардан ўтади.

Миллий спорт ўйинларидан бири — Турон жанг санъатидир. Бу сўз элчил, кучли, кўрқмас, деган маънони беради. Қадимги даврларда содир бўлган жангларда учраган турли хил услубларни ўз ичига олади. Мутахассис-

ларнинг фикрича, ўтмишда савдо шаҳарларида Буюк ипак йўли бўйлаб юрган карвонларни кузатиб бориш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи кишилар бўлган. Улар ноёб жанговар маҳоратга эга эди. Бу уларга кўплаб ва яхши қуролланган рақибларга қарши муваффақиятли курашиш имконини берган.

Ушбу миллий спорт тури ўзига хос фалсафани, дунёқараш тизимини камраб олади. У билан танишиш жангчига зарур руҳий тайёргарлик даражасига эришишга имкон беради.

Бу турдаги яккама-якка курашиш усули Амир Темур даврида такомилга етган. Мустақиллик йилларида унинг замонавий қонун-

йўналишда ғалаба ва соф ғалаба бор. Ғалаба рақибига кўп зарба бериб, энг кўп балл йиққан ўйинчи, соф ғалаба эса рақиб зарба олганда гангиса, беҳол ҳолатга тушиб қолса ёки бўлма усули билан ютганда берилиши мумкин.

Эркин машқ йўналиши битта ва бир неча спортчи (жамоа) билан бажариладиган машқлар бўлиб, 1,5 дақиқа давом этади. Машқлар буюмсиз ва буюмлар билан бажарилади. Энг кўп балл тўплаган ўйинчи ёки жамоа ғолиб чиқади. Қилич, гимнастика таёғи, арқон каби буюм билан бажариладиган кўрғазмалар машқлари билан чиқиш мумкин. У спортчининг техник усулларни қанчалик эгаллаганлиги ва жисмоний чиниққанлигини намойиш этади. Бу чиқишлар ҳам балл билан баҳоланади.

Ўзбекистонда Турон яккакураш федерацияси тузилган. Ҳозирда бу спорт тури бўйича 10 мингдан ортиқ киши мунтазам шуғулланмоқда. Хар йили Тошкент шаҳри биринчилиги ва Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилади. "Алпомиш ўйинлари" фестивали дастуридан жой олган.

Бу миллий спорт ўйини нафақат жисмоний сифат (куч, тезлик, чидамлик, эпичлик, мослашувчанлик)ни, балки ахлоқий ва иродавий фазилатларни ривожлантириди. Соғлом турмуш тарзи, фаол жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишда муҳим ўрин тутаяди.



ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

Лутфилло САҒАРОВ, Тўртқўл тумани:

— Закоат маблағларини бирор тижорат учун сармоя қилиб, тушган фойдани камбағалларга эҳсон қилиб туриш жоизми? Масалан, дўкан ёки корхона очиб, фойдаси камбағалларга бериб турилса, ҳам янги иш ўрни очилган, ҳам эҳтиёжмандларга доимий таъминот яратилган бўларди.

ЗАКОТНИ САРМОЯ ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво маркази:

— Йўқ, бундай қилиш дуруст эмас. Зеро, закоат маблағларини Қурьон Каримда баён қилинган тоифаларга тарқатиш лозим. Бошқа ўринларга сарфлаш жоиз эмас.

Чунки бу ҳолатда, биринчидан, закоат маблағлари ҳақдорларнинг қўлига етиб бормади қолади. Иккинчидан, сармоя қилинган маблағ тижорий зарар туфайли йўқ бўлиб кетиши мумкин. Учинчидан, бу ҳақдорларнинг шочиқлини эҳтиёжларини таъминлаш кечикишига сабаб бўлади.

Камбағалларни иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаи яратиш бериш мақсадида закоат маблағларига ишлаб чиқариш ускунаси ёки бирор дўкан ёки автомобиль сотиб олиб, камбағалга мулк қилиб топширилса, закоат дуруст бўлади. Аммо ушбу нарсалар камбағалга вақтинчалик фойдаланиб туриш учун берилса, закоат дуруст бўлмайди.

Закоат бирор фақир кишига берилса, бу унинг мулкига айланади. Агар у ушбу маблағни тижорий фаолиятга йўналтирса ёки бирор корхонанинг акциясини сотиб олса, дуруст бўлади. Шунингдек, саволда берилган ҳолатни закоатдан бошқа, ихтиёрий садақалар орқали амалга ошириш мумкин.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси  
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ  
Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 280 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

